# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.12.2019.F.01.05 РАКАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

# УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

#### КУРБАНИЯЗОВА РАУШАНА КУРБАНБАЕВНА

# ДАВР РУХИ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ МЕНТАЛИТЕТГА ТАЪСИРИ

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

# Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

# Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам

# Contens of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on philosophical sciences

Курбаниязова Раушана Курбанбаевна							
	и ўзгариш.						
таъсири	•••••••••	•••••	••••••	•••••	•••••	•••••	3
Курбаниязова Раушана Курбанбаевна							
	изменений						
v	ova Raushan		·	epoch	on the	social	
-		-		-			
	инган ишлар	1 0					
-	бликованных	1					
List of publis	shed works						43

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДА ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

## УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

### КУРБАНИЯЗОВА РАУШАНА КУРБАНБАЕВНА

# ДАВР РУХИ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ МЕНТАЛИТЕТГА ТАЪСИРИ

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Fal272 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган

Инмий поубор.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида (fs-<u>ik.uz</u>) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (<u>www.ziyonet.uz</u>) жойлаштирилган.

Шормууаманара Цигинауан Арананариа

фалсафа фанлари доктори, профессор			
Абилов Ўрол Муродович фалсафа фанлари доктори, профессор			
Тўйчиев Бердикул Тўракулович фалсафа фанлари доктори, профессор			
Тошкент давлат иктисодиёт университети			
Миллий университети хузуридаги DSc.30.12.2019.F.01.05 "" соат даги мажлисида бўлиб ўтади. верситет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 226-02-24; факс: (99871) Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шахри,			
рий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 226-02-24; факс:			
ил ""да тарқатилди. аги рақамли реестр баённомаси.)			

#### И.Р.Хўжамуродов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

#### У.А.Махкамов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

#### Г.Т.Махмудова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

### КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадкикот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахонда учинчи минг йиллик ракамли технологияларнинг ривожланиш даври сифатида ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатди. Давр рухининг ўзгариши технократик тафаккурнинг шаклланишини такозо этди, бу эса менталитетда ўз ифодасини топди. Одамлар учун нафакат билим, балки улардан фойдаланиш имконини берувчи технологиялар ижтимоий хаётнинг таркибий кисмига айланди. Жисмоний мехнатта карамликнинг аклий мехнат билан алмашиниши ижтимоий менталитетда ўзгаришларни вужудга келтирди. Айни шу сабабли, XXI аср ижтимоий менталитет ва миллий ўзликни англашга асосланган мафкуравий кураш ўз ахамиятига кўра бошка барча маънавий-ахлокий кадриятлардан ўзиб кетган аср сифатида тавсифланмокда. Бу ижтимоий менталитетда миллий ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний кадриятларнинг уйғунлигини таъминлаган холда, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий мўлжалларини, тафаккур янгиланишини назарий-фалсафий жихатдан тадкик этишни кун тартибига кўймокда.

Жахон ЭТНИК илмий тадкикот марказларида кадриятларнинг устувор йўналишларидан бири – ижтимоий менталитетнинг ахамиятини очиб беришга йўналган илмий изланишлар олиб борилмокда. Ахборот инкилоби миллий чегараларсиз янги цивилизация хакида гапиришни такозо килаётган бир пайтда, икки жараён – модернизм ва анъанавийлик ўртасида зиддиятлар ижтимоий менталитетда ўз ифодасини топмокда. Улар Ғарб ва Шарк маданиятларининг ўзаро муносабатларида намоён бўлиб, ижтимоий менталитет моделларининг амал килиш механизмларини такомиллаштиришни талаб қилади. Айни шу сабабли яхлит тадқиқотнинг илмий идеалини ўзгартиришга, илмий қадриятларни ижтимоиймаданий, аксиологик ва бошка омиллар билан боғлашға уринишлар кузатилмокда. Бу ижтимоий билиш меъёрларининг конуниятлари ва амал килиш доирасини ўрганишни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон демократик ҳамжамияти билан ҳамкорликда халқаро муаммоларни ечишда иштирок этиб, мамлакат аҳолисининг ижтимоий менталитетида миллийлик ва умуминсонийликнинг мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Миллий мафкурага асосланган ижтимоий менталитет жамиятнинг барча табақалари ва гуруҳларини бирлаштирувчи омил саналади. Жамият аҳолисининг ментал хусусиятларини ривожлантириб бориш эса давр талабидир. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли иштирок этиш, ўз эътиқодларини ҳимоя қилиш, ривожланишнинг ижтимоий жараёнларига фаол таъсир кўрсатишга қодир бўлган шахсни тарбиялаш учун ижтимоий менталитетнинг амал қилиш механизмларини тадқиқ этиш зарурати келиб чиқмокда.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги "Фукароларнинг хукук ва эркинликларини ишончли химоя килиш кафолатларини таъминлашга доир кушимча кабул муносабати **У**збекистон чора-тадбирлар килинганлиги билан Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўгрисида"ги ЎРҚ-421-сонли, 2017 йил 11 сентябрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўгрисида"ги "Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш қўшимчалар киритиш хақида" ЎРҚ-445-сонли қонунлари, ва

Президентнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўгрисида"ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 7 майдаги "Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўгрисида"ги ПҚ-341-сонли, 2019 йил 19 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халк кабулхоналари фаолияти билан боғлик низомларни тасдиклаш тўгрисида"ги ПҚ-4197-сонли қарорлари, 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси 1 ҳамда бошка норматив-хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадкикот муайян даражада хизмат қилади.

Тадкикотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадкикот республика фан ва технологиялари ривожланишининг "Демократик ва хукукий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иктисодиётнинг шаклланиши" дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий менталитет миллий ўзликни англашнинг устувор йўналиши Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти асарларида изчил асосланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фукароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини окламокда"<sup>2</sup>. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий менталитет сиёсий ҳаётнинг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлмокда.

Инсоннинг ўзлигини англаши, гуманистик гоялар Шаркда Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Гарбда Ф.Бэкон, Р.Декарт, Б.Спиноза ва бошка мутафаккирларнинг асарларида ўз аксини топган.

Хозирги даврда ижтимоий менталитетни ўрганишда "жамият стандарт концепцияси"га мансуб асарларда ижтимоий менталитетнинг конкрет тарихий шароитларда шаклланишини асословчи ижтимоий-маданий механизмлар мавхумлаштирилган. Хусусан, ижтимоий менталитет ҳар қандай шахсий хусусиятлардан холи бўлган индивидуал субъект фаолияти сифатида талқин қилинади. Менталитет тушунчасининг мазмунига америкалик олим Р.Г.Стеренберг берган таърифда менталитетнинг бошқарув шакллари, даражалари ва типлари ҳамда кундалик ҳаёт фаолиятида шаклланувчи руҳий фаолият, шунингдек, илмий фаолият билан алоқасига урғу берилади <sup>3</sup>. Бу эса ҳозирги давр бошқарув усулларида тўлиқ намоён бўлмокда.

В.С.Алексеев, Е.А.Ануфриев, И.В.Апостолова, Е.А.Волкова, А.Я.Гуревич Н.А.Симонян, О.Г.Усенко, М.Х.Ходжаров, А.В. Шестопал, М.В.Силантьева<sup>4</sup> каби олимларнинг асарлари ҳам айни шу мавзуга бағишланган.

6

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Диссертант томонидан тахлил этилган қонунлар, қарорлар ва манба сифатида фойдаланилган хужжатлар туплами диссертациянинг "Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар руйхати"да келтириб утилган.

 $<sup>^2</sup>$ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // 22.12.2017. <a href="http://uza.uz">http://uza.uz</a>.

<sup>&</sup>lt;sup>3</sup>Қаранг: Sterenberg R.G. Mental self-government. A theory of intellectual styles and their development // Human Development. 2015. Vol. 3. - P.31.

<sup>4</sup> Уларнинг асарлари диссертациянинг "Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати" да келтирилган.

Баъзи фалсафий-методологик илмий тадкикотларда ижтимоий менталитетни шакллантириш асосларининг мухим элементларидан бири глобаллашув эканлиги таъкидланади. У конкрет илмий ва фалсафий-дунёкарашга оид билимни тизимлаштириш ва синтезлашнинг алохида назарий шакли хисобланади. Бундай ёндашув С.Отамуродовнинг "Глобаллашув ва миллат" ва "Глобаллашув: миллий ўзликни англаш муаммолари" монографиялари, А.Н.Чумаковнинг "Глобализация" монографиясида асосланган.

Узбекистоннинг хозирги давр фалсафий илмий адабиётларида менталитет М.Н.Абдуллаева, М.Бекмуродов, А.Бегматов, А.М.Жалолов, муаммоси Г.Х.Расулева, Э.Х.Расулев, Ш.О.Мадаева, Ф. Атамуродова, Ж.Т.Туленов, А.Ф.Файзуллаев, Н.А.Шермухамедова ва бошка олимлар томонидан ўрганилган.

ўзига хос хусусиятлари Ж.Т.Туленовнинг Ижтимоий менталитетнинг "Мустақиллик ва миллий тикланиш" асарида ижтимоий менталитет миллий ўзликнинг ўсишига боғликлиги изохланган. Ж.Т.Туленовнинг: "Тил учун курашда ўзбек халки ўзини кўрсатди. Энг мухими халк уйгонди", деган фикрида ижтимоий менталитетнинг тил билан боғлиқ мухим жихати очиб берилган.

Ж.Т.Туленовдан фаркли ўларок, Г.Х.Расулева редукционистик менталитетни таклиф килади. Унинг фикрича, жамиятда ижтимоий муносабатларнинг яшаш шароитлари билан белгиланадиган мезонларгина амал қилади. Редукционизм эса мураккаб объектларни тизимнинг "аник фанлар" методлари билан тадкик этиш мумкин бўлган содда қисмларига боғлаб ўрганиш усулидир. Шу нуқтаи назардан олиб қарағанда, у технократик менталитет билан бевосита боғлик. Э.Х.Расулев ва К.Ж.Туленова менталитет муаммосини ўрганишга жамиятнинг иктисодий хаёти нуктаи назаридан ёндашади. О.Ф.Файзуллаев ижтимоий менталитет дунёкарашни танлашдан бошланади, деб хисоблайди. Унинг фикрича, ижтимоий менталитет моддий ёки маънавий бойишнинг, яхшилик ёки ёмонликнинг устун қўйилишида намоён бўлади.

Мехнат менталитетининг ўзига хос жихатлари Ф.Тургунбоев, менталитет ва демократиянинг мутаносиблиги Ш.Мадаева, ўзбек менталитетининг этномаданий жараёнлар билан уйгунлиги Ф.Атамуродованинг илмий тадкикот ишларида ёритилган.

Турли муаллифлар томонидан илгари сурилган фикр-мулохазалар бир-бирини маълум даражада тўлдиради, шу тариқа дунёнинг сиёсий манзараси билан ижтимоий менталитет ўзаро алокадорлигини акс эттиради.

Аммо, ижтимоий менталитет ва унинг ўзгариши муаммоси ўзининг узил-кесил талкинини топди, деб хисоблаш хатодир. Хозирги файласуфларнинг асарларида бу муаммонинг барча жихатлари хар томонлама ёритилган эмас. Хусусан, "ижтимоий менталитет" тушунчасининг мазмуни тегишли илмий ва фалсафий адабиётларда лозим даражада кенг тахлил қилинмаган, ёритиб берилмаган. Фалсафа луғатида

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2008; Глобаллашув: миллий ўзликни англаш муаммолари. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2018.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Чумаков А.Н. Глобализация. 3-е изд. - Москва: Проспект, 2017.

<sup>&</sup>lt;sup>3</sup> Туленов Ж.Т. Мустакиллик ва миллий тикланиш. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - Б.163.

"ижтимоий менталитет" тушунчаси умуман мавжуд эмас <sup>1</sup>. Хорижий сўзлар ва иборалар луғатида ижтимоий менталитет ҳақида ушбу атама лотинча *mental* сўзидан келиб чиққани ва хат учун ўзакни англатиши қайд этилган <sup>2</sup>. У муайян давр адабиёти ва санъатидаги тасвирлаш усуллари ва йўналишларининг ғоявий ва бадиий белгиланган бирлигини, ёзувчининг индивидуал услубини, ўзига хос усуллар мажмуини тавсифлайди.

Айрим олимлар томонидан таклиф қилинган ижтимоий менталитет концепцияларининг танқидий тахлили уларнинг назарий мақоми, мазмун ва мохияти ҳақидаги тасаввурларни талқин қилишга нисбатан турли муаллифларнинг ёндашувлари бир хил эмаслигидан далолат беради. Ушбу ҳол ривожланаётган билим тизимида дунёнинг манзараси ҳақидаги концепцияга ягона ёндашувнинг йўқлиги билан белгиланади. Шу туфайли ҳам диссертацияда ҳозирги ижтимоий менталитетга оид ғоялардан келиб чиқиб, тарихий-фалсафий материални таҳлил этиш, унинг дунё манзарасида ижтимоий ривожланиш тамойиллари ва фикрлаш услуби боғлиқлигини асослашга ҳаракат қилинди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Урганч давлат университетининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган "Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салохиятни оширишга йўналтирилган комплекс чоратадбирлар дастури" доирасида бажарилди.

**Тадкикотнинг максади** ижтимоий менталитетнинг ўзгаришини белгиловчи ижтимоий хаёт конуниятлари, омилларни асослаш, ижтимоий менталитет моделларини таснифлашдан иборат.

Тадкикотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

"менталлик", "менталитет" ва "ижтимоий менталитет" тушунчаларига берилган таъриф, ёндашувларни таҳлил қилиш, ижтимоий менталитет ўзгаришига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омилларни асослаш;

жамиятни модернизация қилиш ва демократиялаштириш ижтимоий менталитет ўзгарувчанлигининг омилларидан бири сифатидаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш; ижтимоий менталитетнинг Ўзбекистон Республикасининг илмий салоҳиятини такомиллаштиришдаги ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида тафаккур инерциясининг ижтимоий менталитетда намоён бўлишининг мохиятини очиб бериш.

**Тадкикотнинг объекти**ни жамият, давлат ва шахс муносабатлари ташкил этали.

**Тадқиқотнинг предмети** жамият ривожланиши жараёнидаги ижтимоий менталитетнинг характерини тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари** объективлик, тарихийлик, мантиқийлик тамойиллари, анализ, синтез, умумлаштириш, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

<sup>1</sup> Фалсафа қомусий луғат. -Тошкент: Шарқ, 2004.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> The Oxford Dictionary of Foreing Words and Phrases. –London: Oxford University Press, 1997. -P. 528.

"менталлик" (ақл-идрок қобилияти) ва "менталитет" (тафаккур тарзи, миллий характер) тушунчаларининг ўзаро алоқаси инсон онги (онглилик ва онгсизлик) ва хулқ-атворида (эффектив ва аффектив) намоён бўлиши очиб берилган, "ижтимоий менталитет" тушунчасининг муаллиф талкини таклиф этилган;

маданий янгиликлар инсонларда янги ментал хусусият шаклида (сиёсий, хукукий, иктисодий, маънавий сохада) ижтимоий муаммоларга ечим сифатида пайдо бўлиши, сўнгра жамоа менталитетига айланиши очиб берилган;

ижтимоий менталитетнинг этномаданий мўлжал (эмоционал ва хулқ-атворга оид) давлат сиёсати ва миллий ғоя билан боғлиқ онг ҳолати эканлиги илмий асосланган;

тафаккур инерциясининг (догматик тафаккур) ижтимоий менталитетда намоён бўлиши миллий ўзликни англаш (тил, урф-одатлар, анъаналар, маданият), миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини таъминлаш билан боғлиқлиги очиб берилган.

# Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

давр рухи ўзгаришларида шаклланган ижтимоий менталитетнинг динамикаси билим, жамиятнинг сиёсий тизими, моддий ва маънавий қадриятларни асрашга боғликлиги асосланган ва уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

янги тафаккур услуби шаклланиши, шахснинг интеллектуал камолоти ижтимоий менталитетнинг мўлжаллари билан боғликлиги тадкик этилган, танкидий тафаккурни шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чикилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий конференцияларда мухокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изохланади.

Тадкикот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Тадкикотда илгари сурилган назарий-фалсафий ғоялар ижтимоий фалсафа, сиёсатшунослик соҳасидаги билимларни янада бойитиш, ижтимоий менталитетнинг ўзгарувчанлиги ижтимоий, иктисодий шароит, сиёсий бошкарув тизимининг такомиллашганлиги, ижтимоий жараёнлар диалектикасида сиёсий ва ижтимоий менталитет уйғунлигининг таъминлашга янгича ёндашувни шакллантириши, илмий тафаккурни бойитиши унинг илмий аҳамияти билан изоҳланади.

ижтимоий Тадкикот натижаларининг амалий ахамияти тараққиёт моделларининг тахлил қилинганлигида ўз ифодасини топган. Инсон фаолиятининг ўзгарувчанлиги ижтимоий менталитетнинг характери билан боғликлиги асосланган. Тадкикот натижалари, асосий мазмунидаги ғоялардан жамият ва йўналишларини ўрганишда, "Сиёсат фалсафаси", фаолиятининг фалсафа" каби фанлардан маъруза ва семинар машғулотларида фойдаланиш мумкин. Диссертация жамиятни бошкариш жараёнида ижтимоий менталитетнинг устувор йўналишлари хакида аник тасаввурга эга бўлиш фаолиятини такомиллаштиришда мухим ахамиятга эга.

**Тадкикот натижаларининг жорий килиниши.** Давр рухи ўзгаришларининг ижтимоий менталитетга таъсирининг тахлили бўйича ишлаб чикилган таклиф ва тавсиялар асосида:

"менталлик" (ақл-идрок қобилияти) ва "менталитет" (тафаккур тарзи, миллий характер) тушунчаларининг ўзаро алоқаси инсон онги (онглилик ва онгсизлик) ва хулқ-атворида (эффектив ва аффектив) намоён бўлиши очиб берилган, "ижтимоий менталитет" тушунчасининг муаллиф талкини таклиф этилган, янгилигидан Фалсафа (қўллаш сохаси) магистратура мутахассислиги учун тайёрланган "Герменевтика" қўлланмасининг "Ижтимоий ходисаларни тушунишда герменевтик ўрни" мавзусини тайёрлашда (Ўзбекистон ёндашувнинг фойдаланилган. Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2019 йил 8 октябрдаги 89-03-3789 сон маълумотномаси). Натижа ижтимоий-тарихий жараёнларни англаш, ижтимоий ходисаларни тушуниш, муаллифлар асарларини изохлаш, шу асосда ўкув кўлланманинг мазмунини такомиллаштиришга хизмат килган;

маданий янгиликлар инсонларда янги ментал хусусият шаклида (сиёсий, хукукий, иктисодий, маънавий сохада) ижтимоий муаммоларга ечим сифатида пайдо бўлиши, сўнгра жамоа менталитетига айланиши хакидаги янгилигидан 2019 йил 19 мартда Президентимиз рахбарлигида кабул килинган ёшларни тарбиялашдаги 5 та мухим ташаббуснинг учинчи ташаббус ижроси ва "Ёшларга оид давлат Дастури"нинг 5-моддаси ижросини таъминлашда Ўзбекистон ёшлар иттифоки Марказий Кенгашининг Хоразм вилоят Кенгаши томонидан ташкил этиб келинаёттан тадбирларда кенг фойдаланилди. (Ўзбекистон ёшлар иттифоки Марказий Кенгашининг 2019 йил 30 октябрдаги 04-13/4922-сон маълумотномаси). Натижа Ўзбекистон ёшлар иттифоки вилоят Кенгашлари томонидан ўтказилган тадбирларнинг ташкилий-услубий асосларини мустахкамлаб, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга каратилган лойиха ва тадбирларнинг такомиллаштирилишига хизмат килган;

ижтимоий менталитетнинг этномаданий мўлжал (эмоционал ва хулқ-атворга оид) давлат сиёсати ва миллий ғоя билан боғлиқ онг холати эканлигига асосланган илмий янгилигидан "Фалсафа" бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги учун мўлжалланган "Инсон фалсафаси" дарслигининг І - боби, 1, 2-параграфлари мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2019 йил 9 октябрдаги 89-03-3813 сон маълумотномаси). Натижа ижтимоий менталитетнинг давлат сиёсати ва миллий ғоя билан боғлиқ онг холати эканлигида билим, муомала, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, фаолиятта муносабат инсонларнинг турмуш тарзида амал қилиши ҳақидаги таҳлилий маълумотларда акс этиб, дарсликнинг мазмунини такомиллаштиришга ва таълим сифатини оширишга хизмат қилган;

тафаккур инерциясининг (догматик тафаккур) ижтимоий менталитетда намоён бўлиши миллий ўзликни англаш (тил, урф-одатлар, анъаналар, маданият), миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини таъминлаш билан боғлиқлиги ҳақидаги таклиф ва тавсиялардан 2019 йил йил 3 майдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4307-сонли Қарори бўйича ишлаб чиқилган Дастурнинг 7, 27, 28-бандларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда Республика маънавият ва маърифат Кенгаши, Республика маънавият ва маърифат Марказининг Хоразм вилояти маънавият ва маърифат бўлими мутахассислари томонидан жойларда олиб борилаётган тарғибот-

ташвиқот лойиҳаларини амалга ошириш ишларида фойдаланилди. (Республика маънавият ва маърифат Кенгаши, Республика маънавият ва маърифат Марказининг 2019 йил 7 октябрдаги 02/09-1347-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши жамиятнинг сиёсий-ижтимоий тизимида шаклланган ижтимоий менталитет аҳоли турли қатламларининг мамлакатда амалга оширилаёттан ислоҳотлар жараёнига даҳлдорлик туйғуси, миллий ўзликни англаш, ватанга муҳаббат, тинчликни сақлаш, миллий ғурурни шакллантиришдаги тарғиботташвиқот ишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

**Тадкикот натижаларининг апробацияси.** Тадкикот натижалари 5 та халкаро, 3 та республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган хамда апробациядан ўтган.

**Тадкикот натижаларининг эълон килинганлиги.** Диссертация мавзуси буйича жами 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та макола (7 таси республика, 3 таси халкаро журналлар), 1 та тупламда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва "фойдаланилган адабиётлар манбалар рўйхати" дан иборат. Диссертациянинг умумий хажми 157 бетни ташкил этади.

# ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг "**Кириш**" қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, назарий ва методологик асослари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг муҳокама ва синовдан ўтганлиги, тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг "Ижтимоий менталитет фалсафий категория сифатида" деб номланган биринчи бобида "менталлик", "менталитет" ва "ижтимоий менталитет" тушунчаларининг тахлили, шахс дунёкарашининг шаклланишида ижтимоий менталитет ва тарбия мутаносиблигини таъминлаш зарурати тадкик этилган. Тарихий тадкикотларнинг махсус йўналиши сифатида менталликлар тарихи Франция тарих фанида XX асрнинг 20-30-йилларида пайдо бўлганлиги ва у ижтимоий ёки антропологик йўналтирилган тарих тадкикот предметига айланганлиги асосланган.

Тадқиқотчи таҳлил этган адабиётлар мазмунига кўра, тарих фанини фикрловчи ва ҳис қилувчи ижтимоий мавжудот — инсон ҳақидаги фан сифатида яратиш дастури М.Блок ва Л.Февр томонидан XX асрнинг 20-йиллари охирида ташкил қилинган "Анналлар" журнали саҳифаларида ишлаб чиқилган. Адабиётлардаги "менталитет" тушунчасининг этимологиясига оид қарашлар таҳлилига кўра, айримлар уни лотинча "mens" сўзи ва ундан XV асрда ўрта аср схоластикаси тилида ясалган "mentalis" сифати (mens, mentis — ақл ва alis — бошқалар) билан боғлашган. Баъзи олимлар фикрига кўра, менталитет "дунё ҳақида тасаввур" деган маънони англатадиган французча "mentalite" сўзидан келиб чиққан. Инглиз тилидаги ҳозирги луғатларда "mentality" атамаси "ақлнинг айрим индивидни ёки индивидлар синфини тавсифловчи хоссаси", "ақлни тавсифловчи барча ҳусусиятларнинг жамулжам

ифодаси", "ақл-идрок қобилияти ёки кучи", "ақл мўлжаллари, кайфияти, мазмуни", "фикрлаш тарзи, мулоҳазалар йўналиши ёки хусусияти", "фикрлаш қобилиятлари ёки имкониятлари йиғиндиси"¹ сифатида талқин қилинган. Узбек фалсафа қомусий луғатида "менталитет (лот. mens-ақл, идрок) — жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланадиган ақлий қобилияти, руҳий қуввати"², — деб таъриф берилган. Муаллиф фикрича, менталитет у ёки бу жамиятнинг бир маданиятга мансуб бўлган кишиларида уларга ўз табиий ва ижтимоий муҳити, ўз-ўзини ўзига хос тарзда идрок этиш ва англаб етиш имкониятини берадиган муайян "ақлий восита", "руҳий дастак" сифатида амал қилади. Ижтимоий менталитет эса дунёқараш, эътиқод ва давлатни бошқариш услубидир.

Тадқиқотчи, айрим олимларнинг "менталитет" ва "менталлик" тушунчаларига таърифларини фарклайди. Жумладан, В.В.Козловский менталитетни "менталликнинг тартибга солинганлиги" ифодаси сифатида тавсифлар экан, унинг таркибида: 1) маънолар тизими; 2) қадриятлар; 3) одатдаги, интеллектуал ва аффектив реакциялар; 4) маданият кодлари; 5) қабул қилинган ва рад этиладиган хулқ-атвор шакллари; 6) ижтимоий тасаввурлар; 7) габитусни фарқлайди<sup>3</sup>. Шундай килиб, В.В.Козловский менталлик деганда, архаик кадриятларни, фаолиятнинг маънавий кодларини, мойилликларни, менталитет деганда эса когнитив мулжал олиш усулини тушунади. Айни шу сабабли у менталитет қадриятларни ўз ичига олмайди, лекин уларни ўзининг борликни идрок этиш, бахолаш ва ўзлаштириш схемалари йиғиндисига жамлайди, деб хисоблайди. Н.Шермухамедова фикрича эса, менталлик "одатдаги турмуш ва фаолият тарзининг кундалик намоён бўлиши, сақланиши" дир. Бу ментал жихатлар йиғиндиси "айрим ижтимоий гурухлар ва субмаданиятларга хос бўлган ижтимоий тасаввурларнинг кундалик хаётдан мустахкам ўрин олган одатдаги (архаик) структураларини акс эттиради"5. Диссертант фикрича, менталлик рухий холат эмас, балки ижтимоий-маданий феномендир, чунки унинг барча элементлари маданият кодлари, символлар, моддий шакллар (моддийлаштириш махсули) ва фаолиятнинг синашта усуллари, яъни ижтимоиймаданий майдондаги амалий хулқ-атворнинг одатдаги шакллари сифатида намоён бўлади.

Диссертацияда "менталитет" тушунчасининг шаклланишига таъсир кўрсатган илмий тафаккурнинг бошқа бир йўналиши структуравий антропология тадкик этилган. Унда "структура" тушунчаси ижтимоий ўзаро муносабатлар тизимининг кенг қамровли элементи сифатида ижтимоий вокеликнинг барча даражаларини қамраб олади ва ижтимоий менталитетда намоён бўлади.

-

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Reber A.S.The pinguin dictionary of psychology. - Harmondsworth, 1995. - P. 454; Drever J.A. Dictionary of psychology. - Harmondsworth: England Pengiun Books, 1997. - P. 171; ; Chaplin J.P. Dictionary of psychology. - New York: Publ Del, 1985. - P. 313; The Universal dictionary of english language.- London, 1957.- P. 720; Webster's third international Dictionary. - London United Kingdom, 1961. - P. 1411.

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Фалсафа қомусий луғат. -Тошкент: Шарқ, 2004. - Б.257.

<sup>&</sup>lt;sup>3</sup> Козловский В.В. Понятие ментальности в социологической перспективе...СП(Б): Алетейя, 1997. - С. 37.

<sup>4</sup> Шермухамедова Н.А. Особенности национального менталитета. // ФарДУ хабарлари. 2002. - С.34.

<sup>&</sup>lt;sup>5</sup>Ўша ерда. - С. 34.

Хуллас, менталитет ҳақидаги тасаввурлар шаклланишининг умумий жиҳати шу билан белгиланадики, улар инсон онги ва хулқ-атворини белгилайдиган, лекин ҳукмрон мафкуравий тизимлардан "қуйи"да ва "сирт"да ётган асосларни излаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-гуманитар билимнинг ривожланиш тенденциясини акс эттиради. Бу ижтимоий онг инсоннинг кундалик ҳаёти, унинг ҳаётдаги мўлжаллари билан узвий боғлиқ бўлган пинҳона қатламларини ўрганиш учун замин яратади. Менталитет хулқ-атвордан ҳам, онгдан ҳам мустаҳкам ўрин олган элементлардан иборат. Мазкур элементлар анча нисбий ва ўзгарувчан хусусият касб этса-да, ўз мазмунига кўра, тизим яратувчи элементлар сифатида амал қилади ва барқарор хусусиятга эга. Мафкурадан фарқли ўларок, менталитет онгли ва онгсиз, ижтимоий ва индивидуал, назарий ва амалий феноменларнинг турли даражаларини бирлаштирувчи умумий ҳодисадир.

Диссертацияда И.В.Мостовая ва А.П.Скорикларнинг ижтимоий менталитетни "катлам"ларга ажратганлиги тахлил этилган. Уларнинг фикрига кўра, "катлами"ни менталитетнинг биринчи оммавий онгсизлик даражасида шаклланадиган партикуляр (махсус, хусусий) маданият ташкил этади. Бу "ижтимоий ўзаро таъсирларнинг ўз анъанаси, алохида тили, алохида (факат ички фойдаланиш учун мўлжалланган)" ижтимоий рамзларига эга бўлган одатдаги дунёсидир. Ижтимоий менталитетнинг *иккинчи "қатлами"* махаллий бирлик маданиятининг хусусияти ва мослашиш имкониятларини белгилайди, турли ижтимоий гурухлар ва қатламлар маънавий маданиятининг ирсий алоқасини, улар ижтимоий-маданий анъанасининг ягона йўналишини назарда тугади. Ижтимоий менталитетнинг учинчи *"қатлами" ижтимоий (миллий) маданият б*ўлиб, унга умумлаштирувчи рамзий тасаввурлар хос.. Ижтимоий менталитетнинг туртинчи – метаижтимоий "қатлами" этномаданий мўлжални ёки миллий ғоя ва унинг флуктуациялари билан боғлиқ бўлган онг холатларини тавсифлайди 1. Бу фикрлар тахлили асосида тадкикотчи, ижтимоий менталитет онгли ва онгсиз тузилмаларни ўз ичига олувчи кундалик хаёт сохасидир, деб хулоса килади. Онгсиз тузилмалар баркарор, тургун ва реактивдир. Улар "мудрок" холатда бўлади, лекин кулай вазият юзага келгани захоти улар кўпинча хохиш-иродага зид равишда фаоллашади. Бинобарин, ижтимоий менталитетнинг мазкур онгсиз тузилмаларини тушунган ва уларнинг вазиятга муносабатини олдиндан кўра билган холда, қулай вазиятни яратиш орқали уларни хаётта "келтириш" ёки, аксинча, бундай вазият юзага келишининг олдини олиб, жамоа-онгсиз тузилмаларнинг фаоллашувига "тўскинлик килиш" и мумкин.

Диссертацияда шахс ижтимоий қарашларининг шаклланиши жараёнида ижтимоий менталитет ва тарбия мутаносиблигини таъминлаш зарурлиги таҳлил этилган. Муаллиф фикрича, ижтимоий фаолиятда мўлжал инсон ёки гурух хулқатворини тартибга солувчи омил хисобланади. Бунда тадкикотчи илмий тадкикотлар таҳлилига таянади. Унга кўра, мўлжал тузилишида уч элемент: когнитив, эмоционал ва хулқ-атворга оид элементлар фаркланади. Бу элементларнинг ҳар бири субъект фаоллигини тартибга солувчи нисбатан мустақил кичик тизимларни ташкил этади.

 $<sup>^{1}</sup>$ Мостовая И.В., Скорик А.П. Политическая ментальность... // Политический менталитет. -Ростов -на -Дону, 1996. - С.10-12.

Мўлжалнинг когнитив элементи шахсда дастлабки билимлар, сиёсатга, ижтимоий хаётга қизиқиш мавжудлигини назарда тутади. Тадқиқотчи фикр тарзидаги ижтимоий мўлжалларга бағишланган тадкиқотлар, айниқса, кенг тарқалган, деган хулосага келади. Фикрлар ижтимоий мўлжалнинг беқарорлик билан изохланадиган турларидан биридир. Фикрлар, онгнинг юзаки, вербал қатламини акс эттиради ва теранрок шахсий тузилмаларга мувофик келмайди. Ижтимоий онгнинг мотивацион элементи мўлжаллар ижтимоий мухитнинг ташки омилларини белгиловчи шахс ички механизмларининг харакатини ўз ичига олади.

Муаллиф ижтимоий фалсафада онгнинг билиш функцияси алохида ахамиятта эга, деб таъкидлайди. Эмпирик тадкикотларда унинг кўрсаткичлари сифатида шахснинг сиёсатга бўлган кизикиши, унинг хабардорлик даражаси, сиёсий вокеалар ва лидерлар хакидаги билимлари ва нихоят, унинг тасаввурлари муайян мафкуравий тасвир (схема) га солинганлиги амал килади.

Демак, ижтимоий онг тузилиши ҳақида баён этилган фикр-мулоҳазаларга ҳулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, у ўз таркибига кўра мутаносиб эмас. Унда айрим элементлар етук ва расо, айримлари эса етилиш босқичида бўлиши мумкин.

Вазифаси тарбия билан шуғулланишдан иборат бўлган барча институтлар, одатда, ўз куч-ғайратини тизимнинг шахсга таъсирини такомиллаштиришга қаратадилар. Зеро, Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Бизнинг асосий мақсадимиз - ёшларнинг сифатли таълим олиш имкониятига эга бўлишига эришиш, уларнинг ўз қобилияти ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун барча зарур шароитларни яратиб беришдан иборат" Аммо, ўз ички қонунлари, ёш ва бошқа хусусиятларига эга бўлган шахс бу таъсирларни доим ҳам ўз-ўзидан қабул қилавермаслигини кўрмаслик мумкин эмас. Шахс камол топишининг турли босқичларида унинг сиёсий-ижтимоий ахборотни таҳлил қилиш имкониятларини ҳисобга олиш жуда муҳим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, сиёсий-ижтимоий тизим яратиши лозим бўлган устувор мафкура тизими вазифасини бажаришга мактаб ўкитувчисининг курби етмайди. У тайёр мафкурадан фойдаланишга одатланган. Аммо ўкитувчи ўз ўкувчилари билан юзма-юз келганда, уларнинг саволларидан ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайди, уларнинг кўз ўнгида обрўли шахс бўлиб қолишни истаса, саволларнинг барчасига жавобни мустақил излашга мажбур бўлади. Ҳозирги даврнинг рухи ва ижтимоий менталитети айнан шуни тақозо этади.

Диссертациянинг иккинчи боби "Ижтимоий менталитет моделларининг ўзгарувчанлигига таъсир этувчи омиллар" деб номланган бўлиб, унда инсон рухияти жамулжам холда миллий менталитетда намоён бўлувчи хусусиятларга эга эканлиги асосланган. Турли халкларга хос бўлган феъл-атвор уларнинг ижтимоий хаёти ва бошкарув усули асосида очиб берилган.

Муаллиф миллий акл ва миллий феъл-атвор қандай вужудга келиши, ривожланишини халқлар психологияси нуқтаи назаридан тадқиқ қилган. Хусусан, А.Фулье қарашларида бу жараёнда биологик ирсиятта, иркий хусусиятларга эътибор қаратилади. Шу билан бир қаторда, табиий иқлим омиллари, мамлакатнинг

\_

 $<sup>^{1}</sup>$ Мирзиёев Ш.М. Тинчлик ва барқарорлик сари ташланган мухим қадам. // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баходир. 2 жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2018. - Б.372.

географик ўрни, маданият, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган жамоавий тарихий тажриба, ўтмишдаги йирик вокеалар хакидаги хотира хам мухокама килинган. Умуман олганда, халклар хаётини ўрганишда у асосан тавсифий хусусиятлардан фойдаланган. У дунёни идрок этиш, дунёни тасаввур килиш ва фикрлашнинг миллий хусусиятларини аниклаган, уларнинг тил билан, шунингдек, мазкур халкнинг шаклланиш шароитлари ва унинг тарихий ривожланиши билан алокасини курсатган, лекин ушбу алокани амалга **ОШИРИШИРИ** психологик механизмларини тушунтирмаган. Шу сабабли у мазкур бушликни тулдиришга кодир булган бошка назарияларга ўрин бўшатиши лозим бўлган. Бундай назарияларнинг энг нуфузлиси 1912 йилдан швейцариялик олим К.Юнг томонидан ишлаб чикилган аналитик психологиядир. К.Юнг З.Фрейднинг психоанализ назарияси асосий коидаларини қайта кўриб, классик фрейдизм аниклаш билан чекланган индивидуал онгсизлик билан бир қаторда инсон рухиятида янада теранроқ қатлам – жамоавий онгсизлик хам мавжуд, деган ғояни илгари сурган.

Диссертацияда ижтимоий менталитет моделларининг асосий коидалари ва уларнинг асосий боскичлари тадкик этилган. Биринчи боскичда (милоддан аввалги V аср – XVII аср) давлат ҳаёти сифатидаги сиёсат ҳақидаги тасаввур етакчилик қилган. Бу даврда одамлар давлат воситасида ўзаро мулоқот қилиш орқали "сиёсий одамлар"га айланганлар. Сиёсатни англаб етишнинг мазкур парадигмаси доирасида давлат олий ҳокимият манбаи, жамиятни оқилона ташкил этиш мақсадида кишилар ҳаётини тартибга солиш органи сифатида қаралган. Бунда ҳаётнинг ўзи давлат ҳокимияти доирасида айланган ҳолдагина мазмун касб этган. Шу сабабли уларнинг эътиборини давлатнинг келиб чиқиши ва табиати, табақаларни давлат томонидан бошқариш ҳусусияти ва тамойиллари каби муаммолар ўзига тортган.

Иккинчи босқич (XVIII-XIX асрлар) "давлат-центристик" парадигмадан "социоцентристик" парадигмага ўтиш босқичи билан боғлиқ. Мазкур босқичда файласуфлар жамиятни давлатдан ажрата бошлаганлар. Шу сабабли уларнинг билишга доир қизиқишлари марказидан жамиятни жипслаштириш негизи сифатидаги давлат муаммолари эмас, балки, энг аввало, жамият ва давлатнинг ўзаро алоқаси масалалари ўрин олган.

Учинчи босқич тахминан XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган ва ҳозирги вақтгача давом этмокда. Бу дунёга нисбатан "социоцентристик" ва "антропоцентристик" ёндашувларининг қарор топиш босқичидир. Мазкур босқичда дунёга тизимли-функционал ёндашув ёки ижтимоий ҳаракатнинг турли назариялари нуқтаи назаридан қаралади.

Тадқиқотчи фикрича, ижтимоий менталитетга шахслараро, давлатлараро муносабатлар ва жараёнларни бевосита бошқариш билан боғлиқ бўлган фаолият сифатида қаралиши мумкин. Қозирги замон фанида ижтимоий менталитет ижтимоий танлаш назарияси нуқтаи назаридан ўрганилади. Мазкур назарияга мувофик, фаолият кейинги ривожланиши учун турли имкониятлар мавжуд бўлган вазиятда амалга оширилади. Бу йўл танлаш муаммосини вужудга келтиради, уни ечишда турли сиёсий кучлар иштирок этади. Бу ерда, энг аввало, ижтимоий ривожланиш йўлини танлаш лозим. Бу йўл, биринчи навбатда, ижтимоий онгда муайян ғоялар, қадрият ва мўлжалларга айланадиган умум ахамиятига молик мақсад

ва манфаатлар билан белгиланади. Шу билан бир вақтда, у фаолиятнинг ижтимоий имкониятни воқеликка айлантиришга қаратилган эҳтимол тутилган усулларини танлашни ҳам ўз ичига олади.

Диссертацияда менталитет дунё ҳақидаги тасаввургина эмас, деган нуқтаи назар инкор этилмаган ҳолда, мазмун жиҳатидан менталитет дунёни идрок этиш ва "фаоллик" сифатида талқин қилинган. Бу идрок этишнинг фаоллигини ҳам, ҳаракатнинг фаоллигини ҳам назарда тутади. Шунга мувофик, ижтимоий менталитетнинг тузилиши қуйидагича изоҳланади: 1) ижтимоий ҳулқ-атворнинг билиш мотиви вазифасини бажарувчи ижтимоий воқелик ҳақидаги онгли ва онгсиз тасаввурлар; 2) онгли ва онгсиз ҳусусият касб этадиган ва ижтимоий ҳулқ-атворнинг билиш мотиви вазифасини бажарадиган қадриятлар ва мулжаллар; 3) вазиятга қараб муайян тарзда иш кўришга онгли тайёрликлар ва онгсиз майллар — ижтимоий-сиёсий мулжаллар.

Муаллиф ижтимоий менталитетнинг тарихий жараёнларга таъсирини тадкик этган, бунда маданий янгиликлар дастлаб алохида инсонларда янги ментал хусусият шаклида вужудга келади, мухим ижтимоий муаммоларни хал килиш учун вазиятли ечим сифатида пайдо бўлади. Шундан сўнг, инновация баркарор бўлиб жамиятга таркалади, мустахкамланади, охир-окибат гурух менталитетининг элементи бўлади. Индивид ментал хусусиятларини жамоа менталитетининг бир кисмига айлантириш кийин ва мураккаб жараёндир. Шу боис муаллиф маданий кадриятлар сифатида янги ментал хусусиятларнинг шаклланиши ва амал килиш боскичларини таснифлайди.

Хуллас, индивидлар ва гурухларнинг ижтимоий тасаввурларини шакллантирадиган интеллектуал фаоллик шундан иборатки, у тегишли сиёсий объект қайси тушунча билан ифодаланган бўлса, шу тушунчани уни бевосита идрок этиш билан боғлайди. Шунга мувофик, ижтимоий объект образи яратилади, у кўпинча субъект учун рамзий ахамият касб этади.

Диссертациянинг учинчи боби "Узбекистоннинг тикланиш давридан юксалиш сари ривожланиши жараёнида давр рухи ва ижтимоий менталитет ўзгаришлари динамикаси" деб номланиб, унда жамият хаётининг барча жабхаларида таркибий ўзгаришлар юз бераётгани, Ўзбекистоннинг тикланиш давридан юксалиш сари ривожланиши жараёнида ижтимоий менталитетнинг давр рухига хамоханг ўзгариб бораётгани тадқиқ этилган, жамиятда демократик жараёнларнинг чукурлашиши уйғонаётган халқнинг тафаккуридаги ўзгаришларда бўлиши очиб берилган. Муаллиф фикрича, ахоли менталитетининг шаклланишида ижтимоий хаёт даражаси, миллий ўзликни англаш ва ватанпарварлик, унинг институтлари ва мафкураси мухим ахамиятга эга. Улар моддий ва маънавий сохалари ривожланишининг қонуниятлари билан белгиланади, муайян жараённи жадаллаштириш ёки уни вақтинчалик сусайтиришда мухим роль ўйнайди. Аммо улар ижтимоий ривожланиш ва миллий ўзликни англашга сурункали монелик қилишга қодир эмас. Хозирги даврда ўзбек халки ривожланишининг ижтимоий-иктисодий мохияти, унинг маънавий фаоллиги миллий уйғониш йўлларини излаш, миллий ўзликни англашни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг бош омилига айланган, улар ўз халқи тарихини, унинг маданияти ва маънавиятини чукур билиш ва тушунишга асосланган

